

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ ДОИРАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТАШАББУСИНИ ИЛГАРИ СУРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган юбилей мажлисида иштирок этди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган саммит ишида Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Молдова Республикаси Бош вазири Наталья Гаврилица, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ делегациялар раҳбарлари ташкилот фаолиятининг 30 йиллик даврида кўп томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши ва эришилган ютуқлар юза-

сидан фикр алмашдилар, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида МДҲ доирасидаги шериклини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан нуктаи назарини баён қилди.

Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Пандемия оқибатлари ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги шароитда савдо-иқтисодий шерикликда ижобий суръат сакланиб қолмоқда. Жумладан, жорий йил бошида Ўзбекистоннинг МДҲдаги ҳамкорлари билан икки томонлама савдоси ҳамжи

қарийб ўттиз фоиздан ошди. Айна пайтда товар айирбошлаш кўрсаткичлари ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан ортиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, Ҳамдўстлик маконида эркин савдо ҳудудининг истиснолик ва чекловларсиз, тўлақонли фаолият юритиши зарурлиги қайд этилди. Шу муносабат билан комплекс таҳлил асосида бирлашма доирасидаги савдо сиёсатини янада либераллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бизнеснинг узок муддатли лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентини саноат кооперациясини ривожлантиришни МДҲ маконининг 2022 йилги иқтисодий кун тартибининг муҳим масаласи сифатида белгилаш тақлиф қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ташаббуси

билан ҳамкорлик бўйича тегишли узок муддатли дастур тайёрланмоқда. Келгуси йилда мамлакатимизда Ҳамдўстликда саноат кооперацияси бўйича форум ва кўргазма ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари самарали минтақалараро ва транскитавий транспорт йўлакларини тизимини, шу жумладан, юк ташаш тарифларини пасайтириш ва тартиботларини соддалаштириш орқали янада ривожлантириш заруритига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон қўшма инновацион дастурларини фаол илгари суриш ва ёш тадбиркорларни жалб қилган ҳолда стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашининг ҳам тарафдоридир. Ҳамдўстлик мамлакатларининг технологик ва IT-парклари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

МДҲ Иқтисодий кенгаши фаолиятига

мамлакатларнинг ишбилармон доиралари ва ҳудудлари вакилларини жалб қилиш орқали кенгаш фаолиятини кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Бундан ташқари, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва “яшил” кун тартибини илгари суриш, биологик хавфсизлиқни таъминлаш борасидаги сайё-ҳаракатларни бирлаштириш, меҳнат бозорини тақомиллаштириш, ўзаро сайёҳлар оқимини қайта тиклаш ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги вазият тўғрисида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти афғон халқига инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдамни давом эттириш мақсадаги мувофиқ эканини таъкидлади.

Айни пайтда терроризм ва наркотрафика қарши курашиш борасидаги ҳамкор-

ликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари халқларининг фаровонлиги йўлидаги шерикликда аниқ натижаларга эришиш мақсадида конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқиндан ҳамкорлик тўғрисида баёнотлар, Олий судлар вакилларининг кенгашини тузиш тўғрисида битим ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишларига доир бошқа қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Хорижий экспертлар: ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ИШТИРОКИНИ ФАОЛЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишида иштирокчилари мамлакатимизнинг табиий савдо-иқтисодий шериклари бўлган ЕОИИ билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар хорижий экспертлар ва халқаро ишбилармон доиралар вакиллари орасида кенг қўллаб-қувватланмоқда.

«Халқ сўзи» учун махсус

Микаэла Лунд, «Trafikforsakringsforeningen» тинчлик ва келажаки ўрганиш бўйича давлатлараро жамғармаси эксперти (Швеция):

— Минтақа бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг янги очиклик ва яхши қўшничилик сиёсатини кўришдан мамнунмиз. Мамлакат Марказий Осиё минтақасидаги муносабатлар ва муҳитни янгиллаш йўлида дадил қадамлар ташламоқда ва бу сайё-ҳаракатларнинг ижобий натижасини бутун МДҲ ҳудудида кузатиш мумкин бўляпти.

Ўзбекистон раҳбари Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши саммитидаги нуктида республика ЕОИИ билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, пандемия шароитида мамлакатнинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳамжи барқарор ортиб бораётгани таъкидлан-

ди. Евроосиё иқтисодий комиссияси билан фаол алоқа-лар йўлга қўйилди, қўшма ишчи гуруҳ ўз фаолиятини бошлади. Бундан ташқари, Евроосиё тараққиёт банки билан истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон саноат кооперациясини чуккуллаштириш орқали минтақалараро қўшилган қиймат занжирларини яратишда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани қайд этилди. Бу, менинг фикримча, мамлакат 2016 йилда танланган очиклик йўлидан собитқадамлик билан бораётгани, минтақавий ва глобал ҳамжамиятга интеграциялашишга тайёрлигини яна бир бор кўрсатаётир.



ЕВРООСИЁ АЁЛЛАР ФОРУМИ ДОИРАСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК УЧРАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Учинчи Евроосиё аёллар форумида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациямиз муваффақиятли иштирок этди. Ушбу нуфузли анжуман доирасида турли тadbирлар ҳамда аҳамиятга молик муҳим учрашувлар бўлиб ўтди.

Мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман билан учрашди.

Унда ҳамкорлик масалалари, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотини янада ривожлантириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Н. Герман ушбу минтақавий платформада Ўзбекистон раислигида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади.

Унинг фикрича, нисбатан қисқа вақт давомида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг етакчилиги фаизлаларини рўёбга чиқариш каби масалаларда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида катта қадамлар қўйилди.

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили мулоқот доирасида ўтказилган тadbирларни қўллаб-қувватлашини билдирди ва унинг йиллик йиғилишида ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги минтақавий форумда қатнашишини маълум қилди.

Айни чоғда у мулоқот доирасида гендер муаммолари бўйича тўпланган тажрибани

минтақанинг ҳар бир мамлакатида миллий даражада жорий этиш муҳимлигига ургу қаратди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева форум доирасида Марказий Осиё давлатлари делегациялари раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Унда юртимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган миллий чора-тадбирлар ва мамлакатимизнинг Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотида расмийлиги доирасида минтақавий ҳамкорлик юзасидан амалга оширилаётган сайё-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.



Қонунчилик палатаси фракцияларида

ҲАР БИР БАНДНИНГ ЎЗ ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ, ИЖТИМОЙ ЮКИ БОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил 9 ойида бажарилиши тўғрисида”ги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, дастур ижросини доимий мониторинг қилиб бориш, режаларнинг вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ҳамда идоралараро мониторинг-таҳлил кичик гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Айниқса, назорат режаси асосида масъул шахсларнинг шахсий жавобгарлиги аниқ белгилангани Давлат дастури ижросининг ҳар ойлик назорат қилиш механизмларини амалиётга жорий этишга хизмат қилмоқда.

Ҳисобот қизғин муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджетни даромадлари 116,1 триллион сўмни ташкил этиб, белгиланган прогноз 108,4 фоиз ёки 9 триллион сўм ошириб бажарилди. Давлат бюджетининг жами харажатлари 130,3 триллион сўмга етди. Амалга оширилган харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 27,5 фоиз ошган.



ЎЗАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев Сайлов тизимлари халқаро жамғармасининг (IFES, Вашингтон, Колумбия округи) Европа ва Евроосиё бўйича дастурлари мутахассислари билан учрашди.

Учрашувда МСК раҳбари IFES вакилларига мамлакатда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ҳақида маълумот берди.

Фуқароларнинг эркин ва адолатли сайловларда қатнашиш ҳуқуқини таъминлашда жамғарманинг ўрни алоҳида қайд этилди. IFES тажрибаси сайлов тизимини мустаҳкамлаш ва маҳаллий ресурсларнинг салмогини кенгайтиришга хисса қўшади, бу ўз навбатида, долзарб масалаларнинг истиқболдаги ечимларини топиш имконини яратди.

Учрашувда томонлар Сайлов тизимлари халқаро жамғармасининг Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорлик йўналишлари ва уни

мизни ҳеч қарерда эълон қилмаймиз. Хулоса ва тақлифларимизни тўғридан-тўғри МСКга юборамиз.

Марказий сайлов комиссияси саллохиятини оширишда МСК аъзоларини ўқитиш орқали касбий этика тамойилларини илгари суриш, сайлов комиссиялари ходимларини сайлов жараёнини бошқаришга оид, сайловнинг очиклигини таъминлаш ва сайловчиларга шароит яратиш каби барча масалалар бўйича ўқитиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайловчиларни рўйхатга олиш тизимини тақомиллаштиришда техник ёрдам кўрсатиш йўли билан сайловчиларга овоз беришда қатнашиш имкониятини яхшилаш билан бoғлиқ масалалар бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида томонлар МСК ва жамғарма ўртасида тизимли алоқаларни янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида ўзаро фикр алмашди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ — МАМЛАКАТ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистонда кейинги беш йилда илм-фан соҳасини равнақ топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Эътибор беринг, ана шу қисқа вақт ичида маърифат, таълим, илм-фан йўналишларини ривожлантириш учун ўттиздан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фақат кейинги икки йил — ўтган ва бу йилнинг биринчи ярмида олий таълим тараққиёти йўлида илмий ишланмалар, янги инновацияларни ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқ 15 дан ортиқ фармонлар чиқарилгани, 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, 2020 йилнинг эса “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, “2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани илм-фан, таълим ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш соҳаларида белгиланган режаларнинг кўлами нихоятда катта эканлигини кўрсатади.

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ёшларга илм бериш, уларни маърифат билан қуроллантиришда навбатдаги босқич — умумтаълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 9 минг 970 дан ортиқ умумтаълим мактабларида 5 миллион 500 минг нафардан зиёд йигит-қизлар таълим олмақда.

Кейинги икки-уч йил ичида умумтаълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Бадий ижод, санъ-

манганда Ибрат, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қаршида Абдулла Орипов, Хоразмда Огаҳий, Сирдарёда Ҳалима Худойбердиева, Андижонда Муҳаммад Юсуф номидаги ихтисослаштирилган мактаблар очилди. Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқишга ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилинди.

Сир эмас, бундан 6-7 йил илгари Фанлар академиясининг фаолияти сулғайиб, унинг тармоқлари бўлган илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга деярли татбиқ этилмасди. Кейинги 4 йил ичида мамлакатимизда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тизимни ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини яхшилашга оид қарорлар, фармонлар қабул қилинди. Академия тизими такомиллаштирилди. Унинг таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Академия таркиби сайловлар асосида янги аъзолар билан тўлдирилди. Илмий ишланмалар, янгиликлар, кашфиётларни ҳаётга татбиқ этиш учун олимлар билан корхоналар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди. Мамлакатимизда илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

ат, маданият йўналишларида махсус мактаблар барпо этилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида Ибройим Юсупов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, На-

олий ўқув юр்தларининг сони 140 дан ошди. Уларнинг ҳудудлардаги филиаллари сони 26 тага етди. Хорижий университет ва институтларнинг 20 га яқин бўлимлари очил-

ди. Республикаимизда ҳар йили чет эл олий ўқув юр்தларидан 4-5 таси ўз филиаллари, факультетларини очмоқда. Олий таълим тизимида ўқув муассасаларининг кўпайиши, хорижий олий ўқув юр்தлари билан ҳамкорликнинг кучайиши, мамлакатимизда бу соҳада кўпдан бери юзага келган бир муаммони ҳал қилиш имконини бермоқда. Маълумки, республикаимиздаги умумтаълим мактабларини ҳар йили 600 — 650 минг нафар йигит-қизлар битиради. Кўп йиллар давомида ана шу ёшлардан 60 — 70 минг нафари олий ўқув юр்தларида ўқиш имконига эга бўларди, холос. Яъни мамлакатимизда ёшларни олий таълим тизимига қамраб олиш 9-10 фоизни ташкил этарди. Ваҳоланки, дунёдаги ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 60 — 70 фоиздан ошади. Шунинг учун ҳукуматимиз олий ўқув муассасаларини ҳам, улардаги таълим ўринларини ҳам кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Натижада ёшларни бу тизимга қамраб олиш даражаси 2021 йилда 25 фоизга етди.

Олий ўқув юр்தлари фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар, янгиликлар, ислохотлар давом этаёттир. Уларга келгусида босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик бериш режалаштирилган. Бу эса ҳар бир институт ёки университетдан илмий потенциални кучайтиришни, илмий ихтиролар, кашфиётларни ҳаётга татбиқ қилишни, шу орқали молиявий аҳолини яхшилашни талаб этади. Олийгоҳларда амалий натижа бермайдиган ёки кимгадир унвон учун хизмат қиладиган ноилмий изланмаларга чек қўйилади. Шу билан бирга, жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларидан 5 таси танлов асосида танлаб олиниб, хориждаги нуфузли олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорлик асосида трансформация ишлари амалга оширилади. Яъни хорижий олий таълим даргоҳларининг энг яхши илмий тажрибалари танланган олий ўқув юр்தлари фаолиятига тўла татбиқ қилинади, уларнинг ижтимоий ҳаёти, илмий фаолияти янгиланади.

Илм-фанни ҳаёт билан уйғун-

лаштиришда, уни жамият тараққиётига хизмат қилдиришда, янги технологияларни яратишда асосий роль ўйнайдиган ва етакчилик қила-

Бундан 5-6 йил аввал мамлакатимизда 30 дан ортиқ олий таълим муассасалари фаолият юритар эди. Энди-чи? Юртимиздаги олий ўқув юр்தларининг сони 140 дан ошди. Уларнинг ҳудудлардаги филиаллари сони 26 тага етди. Хорижий университет ва институтларнинг 20 га яқин бўлимлари очилди. Республикаимизда ҳар йили чет эл олий ўқув юр்தларидан 4-5 таси ўз филиаллари, факультетларини очмоқда.

диган муассасалардан бири Ўзбекистон Фанлар академияси ҳисобланади. Сир эмас, бундан 6-7 йил илгари Фанлар академиясининг фаолияти сулғайиб, унинг тармоқлари бўлган илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга деярли татбиқ этилмасди. Кейинги 4 йил ичида мамлакатимизда бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тизимни ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва унинг илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини яхшилашга оид қарорлар, фармонлар қабул қилинди. Академия тизими такомиллаштирилди. Унинг таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Академия таркиби сайловлар асосида янги аъзолар билан тўлдирилди. Илмий ишланмалар, янгиликлар, кашфиётларни ҳаётга татбиқ этиш учун олимлар билан корхоналар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилди. Мамлакатимизда илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ.

2017 йилдан кейин Фанлар академияси таркибий тўзилишида ҳам баъзи ўзгаришлар амалга оширилди. Илгари академия таркибида Қорақалпоғистон Республикаси филиали ва Хоразм Маълум академияси фаолият юритарди. Эндиликда филиал Фанлар академиясининг бўлимига айлантирилди. Шу билан бирга, Навоий вилоятида академиянинг янги бўлими ташкил этилди. Бу бўлимининг ташкил этилиши бежиз эмас. Негаки, Навоий вилояти ва унга ёндош ҳудудларда саноат корхоналари жуда кўп. Шу билан бирга, регионда янги-янги иқтисодий зоналар барпо қилинди ва барпо этилмоқда. Бу ердаги ҳар бир корхонага, саноат зоналарига янги технологияларни, илм-фаннинг илғор тажрибаларини жорий қилиш ҳаётий заруратга айланди. Бўлим эса ана шундай ишларни амалга оширади. Эндиликда Ўзбекистон Фанлар академияси илм-фан соҳа-

сида янги кашфиётлар, технологиялар, модуллар яратувчи муассасага айланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда

нафақат мамлакатимиз тараққиётига, балки бутун инсоният ҳаёти юксалишига хизмат қилиши аниқ. Бундай илмий кашфиётларни яратишда нафақат олимлар, барча зиёлилар, мутахассислар фаол иштирок этишлари зарур. Шу боис номзод нафақат олимларни, балки ҳар қандай ихтиро ва ихтирочиларни қўллаб-қувватлашни, иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотииви бўлган инженер, технолог, агроном, механизатор каби мутахассисларнинг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш чораларини тақлиф қилмоқда.

Албатта, бугун илм-фан кириб бормаган соҳа йўқ. У саноатдан тортиб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоғида намоён бўлмоқда. Айниқса, илм соҳасида фундаментал фанларнинг салмоғи катта. Фундаментал фанларсиз ва уларда қўлга киритилган ютуқларсиз бирор мамлакат тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун мамлакатимизнинг ҳамма нуқталарида илм-фан билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар юзага келмоқда. Бу ўзгаришлар, табиийки, қишлоқларимизда ва у ерда яшаётган аҳоли ҳаётида ҳам бўй кўрсатиши керак. Айниқса, қишлоқларда тадбиркорлик билан шугулланаётган, деҳқончилик илмининг билимдонлари ҳам илм-фан ютуқларидан бебаҳра қолмасликлари керак. Хўш, бу қандай амалга ошиши мумкин? Баҳром Абдуҳалимов бу борада “Агрофирма ва давлат хўжаликларида қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яқин келажақда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, қишлоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда, бандлик ва қашшоқлик муаммоларини бартараф этишда катта натижалар беради”, деган тақлифни илгари суради.

Президентликка номзод ўз Сайловолди дастурида рақамли технологияларга асосланган иқтисодиётга ўтишда олий ва ўрта махсус таълимнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётда инновациялар ва тадбиркорликнинг ўсишига жавобан, давлат идоралари, айниқса, молиялаштириш бўлимига тўлиқ қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, бандлик соҳасида онлайн иш билан таъминлаш каби масалаларни қамраб оладиган дастур ишлаб чиқиш тақлифни ҳам илгари сурган. Умуман олганда, “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Баҳром Абдуҳалимовнинг Сайловолди дастурида таълимни кучайтириш, илм-фанни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга татбиқ қилиш билан боғлиқ аниқ тақлиф ва режалар бисёр. Бу унинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшадиган номзод эканлигидан далолат беради.

Камол МАТЁҚУБОВ,
«Адолат» СДП фаоли, журналист.



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД БАҲРОМ АБДУҲАЛИМОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

2017 — 2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ПАРЛАМЕНТ НИГОҲИДА



Ваҳобжон МУРОТҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва
савдо масалалари қўмитаси раиси.

ликиси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 30 га яқин Фармон ва қарорлар бугун соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

2020 йил 17 февралда қабул қилинган “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан савдо-саноат йўналишининг ташкилий ҳуқуқий асослари мустақамлашиб, мамлакатимизда махсус ва эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни ташкил қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Чунинчи, кун сайн тараққий этиб бораётган янги Ўзбекистоннинг иқтисодиётини янада кучайтириш мақсадида махсус ва эркин иқтисодий зоналар сонини кўпайтириш, бунда саноатни янада ривожлантириш, аҳоли истеъмоли учун сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, рақобатбардошликни ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш даяр талабидир.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудларда ишлаб чиқариш, ресурс саноатларида комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринларини очиб, пировардида аҳолининг барқарор даромади ҳамда турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бу ерда фаолият кўрсатидиган тадбиркорлик субъектлари турли имтиёз ва қулайликлар тақдим этилиши хусусий сектор вакилларига ўз ташаббус ҳамда лойиҳаларини иккиланмасдан, қатъият билан рўёбга чиқариб, бизнесини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлиши мўқаррар.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда 2008 — 2016 йиллар давомида фақатгина 3 та ана шундай ҳудуд ташкил этилган бўлса, айни кунга келиб, улар сони 23 тага етди. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўринлари яратилган.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари уч йилдан ўн йилга қадар ер, фойда солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан озод этилган бўлиб, бунда киритилган сармоялар миқдори инобатда олинган. Яъни 300 мингдан 3 миллион АҚШ долларига ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил, 3 миллиондан 5 миллион АҚШ долларигача — 5 йил, 5 миллиондан

10 миллион АҚШ долларигача — 7 йил, 10 миллион ва ундан кўп АҚШ долларига ҳажмдаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкаларига қўйилган ҳолда — 10 йил муддатга берилиши назарда тутилган эди.

2020 йил 1 январдан бошлаб махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинган эди. Эндиликда эса 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зона иштирокчилари рўйхатидаги қатнашчилар учун улар томонидан киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, фойда солиғи бўйича имтиёзлар беришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига 2021 йил 15 сентябрдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришда ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни импорт қилганда қўйилган қиймат солиғи ва божхона божини фоизлар ҳисобланмаган ҳолда 120 кунгача муддатга кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига ортиқча қўйилган қиймат солиғи суммасини етти кун ичидан қолаб бериш тартибига қатъий амал қилиниши назарда тутилмоқда. Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўйилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини яратди.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур зоналарнинг ташкилий тузилуши ва номланиши турлича бўлса-да, уларни ташкил этишдан асосий мақсад — хорижий инвестицияларни, замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш ҳисобига мавжуд иқтисодий, молиявий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир. Зотан, уларнинг ташкил қилиниши натижасида мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти ҳамда ташқи савдо, экспорт-импорт операциялари янада ривожланади.

Хорижий экспертлар:
ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ
ИШТИРОКИНИ ФАОЛЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистон раҳбари ЕОИИга аъзо давлатларни Россия ва Қозоғистон билан биргаликда йўлга қўйлаётган зарур товарларни тез фурсатда ўзаро етказиб бериш бўйича «Агроэкспресс» лойиҳасига қўйилиши тақлиф қилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти давом этаётган пандемия шароитида қатор долзарб масалаларни илгари сурди. Хусусан, миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида транспорт йўналишлари тармоғи ва логистика инфратузилмасини тақомиллаштириш муҳим эканига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон раҳбарининг сўзларига кўра, транспорт ва транзит соҳаси ЕОИИда иқтисодий алоқаларни чўқурлаштириш учун катализатор ҳисобланади. Товарларнинг чегарадан ўтишини жаддаллаштириш, стандартларни уйғунлаштириш, назорат пунктларининг иш соатларини оптималлаштириш, чегарадан ўтиш тартибларини тақомиллаштириш каби масалаларни ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрағи сифатида

Айдин Аскеров, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлар халқаро институти президенти (Латвия):

— Тошкентнинг мамлакатлараро алоқалар ва мулоқотни фаоллаштиришга қаратилган сайёҳаракатлари пандемиянинг мисли қўйилмаган оқибатлари туфайли юзага келган мураккаб чекловларга қарамай, нафқат ЕОИИ мамлакатлари, балки Европа Иттифоқи, шу жумладан, Латвия билан ҳам савдо ҳажми ва динамикасини оширишда ижобий натижалар бермоқда.

ЕОИИ билан ўзаро муносабатлар долзарб истиқболли йўналишлари ва узққин кўзлангани билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг тақлиф этаётган қўшма «Йўл харитаси» доирасида қатор долзарб масала ва муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Ўзаро савдодаги тўсиқларни фаол бартараф этиш, транспорт, тран-



минтақа интегратори ролини тобора кенгайтириб, айни пайтда барча минтақавий ташкилотлардаги иштирокини

фаоллаштирган ҳолда халқаро миқёсда дадил ташаббусларни илгари сурмоқда.

Ишончим комилки, янги Ўзбекистоннинг бу таъмоили мамлакат нуфузини янада ошириш ва Марказий Осиё давлатларини халқаро даражадаги мавқеи ва аҳамиятини мустақамлаш учун ягона минтақа сифатида географик марказ атрофида бирлаштиришга хизмат қилади.

Барча ўзбекистонликларга эзгу тилаклар ва қўйилган юксак мақсадларга эришишда муваффақият тилаймэн!

Илгар Велизаде,
«Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби
раҳбари (Ўзарбайжон):
— Ўзбекистон раҳбарининг
Олий Евроосиё иқтисодий
кеңашини саммитидаги
иштироки мамлакатнинг
савдо-иқтисодий соҳадаги
шериклар билан ҳамкорлик
шароитларини яхшилаш
бўйича интилишларини
амалга оширишга бўлган
катта қизиқишини намойиш
этди. Хусусан, ўзаро савдо-
да мавжуд тўсиқларни бар-
тараф этиш, техник регу-
ламент ва стандартларни
уйғунлаштириш, божхона
тартиботларини рақам-
лаштириш бўйича қўшма
«Йўл харита»сини ишлаб
чиқиш ташаббуси алоҳида
эътиборга лойиқ.

қали минтақалараро қиймат занжирларини яратиш йўналишида ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Тошкентда «Иннопром — Марказий Осиё» саноат форумининг ҳар йили ўтказилиши кўп томонлама ҳамкорлигининг ушбу жабҳасини ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

«Дунё» АА.

ЕВРООСИЁ АЁЛЛАР ФОРУМИ ДОИРАСИДА МУҲИМ
АҲАМИЯТГА МОЛИК УЧРАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Таъкидланишича, Ўзбекистон томони ушбу тузилмани Марказий Осиё давлатлари аёллари ўртасида турли соҳаларда мунтазам маслаҳатлашувлар ва алмашинувлар учун мустақам платформага айлантиришга интилмоқда. Шу мақсадда жорий йил бошидан буён Марказий Осиёда аёллар ўртасида минтақавий ва икки томонлама ўзаро муносабат-

ларни кучайтиришга доир бир қатор қўшма тадбирлар ўтказилди.

Т. Норбоева Марказий Осиё давлатлари делегацияларини бўлажак тадбирлар, хусусан, минтақадар барқарор ривожланиш ва аёллар етакчилигига бағишланган конференция, етакчилик, менторлик ва гендер тенглиги бўйича қизлар учун минтақавий ўқув-машғулот лагери, Марказий Осиё тад-

биркор аёлларнинг баҳс клуби очилиш йилишида фаол қатнашишга чақирди.

Ўз навбатида, гендер масалалари бўйича тақрибاً алмашиниш ҳамда бу борада икки ва кўп томонлама форматдаги ҳамкорлиқни давом эттириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

ҲАР БИР БАНДНИНГ ЎЗ ИЖРО
МАСЪУЛИЯТИ, ИЖТИМОЙ ЙУКИ БОР

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида ҳисобот даврида ерларни қайта фойдаланишга киритиш, лалми ва яйлов ерларни ўзлаштириш юзасидан сугориш қудуқларини қазिश, насос агрегатларини ўрнатиш ҳамда янги мевали боғлар ва тоқзорлар барпо этиш юзасидан тизимли ишлар бажарилмоқда.

Ҳисобот даврида жами 201,2 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар, жумладан, томчиллатиб, ёмғирлатиб ва дискрет усулда сугориш технологиялари жорий қилинди. 130,6 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларида лазер ускуналари ер текислашган ёрдамда текислаш ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимизда 146 та мева-сабзавотчилик кластерига 116,8 минг гектар ер бериқтирилган бўлиб, қиймати 216 миллиард сўмлик 9 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Республика бўйича бугунги кунда 42,2 минг гектар майдонда мевали боғлар ва 29,0 минг гектар узум-зорлар барпо этилди. 111 та лойиҳа ташаббускорлари томонидан 270 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилди.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қизғин ва амалий, танқид руҳида кечган савол-жавоблардан сўнг депутатлар Ҳукумат ҳисоботини маъқулладилар.

Йиғилиш якунида мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим бўлган бир қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Танқидга
нима сабаб бўлди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида мазкур ҳисобот батафсил қўйиб чиқилди. Йиғилишда Давлат дастури ижросининг сифатли бажарилишига Вазирлар Маҳкамаси алоҳида эътибор қарати келаятгани, Ҳукумат томонидан вазифалар назоратини олиб бориш ва қўмқлаштиришга қаратилган тизим яратилганлиги депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Депутатлар бажарилиш мундарили кенчаётган бандларга алоҳида эътибор қаратиб, ижроси кенчаётган ёки муддати узайтирилган бандлар давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этди.

Дастурнинг 189-бандидаги республикадаги гемодиализ муложазасига муҳтож беморларни тиббий хизмат билан бепул қамраб олиш вазифаси ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Вазифа ижроси доирасида гемодиализга муҳтож беморларнинг

йиллик 20 фоизга ўсишини ҳисобга олган ҳолда, 5 мингдан ортиқ беморларни бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олиш, хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида режа бўйича 2021 йилда 100 та сунъий буйрак аппарати, 33 та сув тозалаш мосламаси, 44 та миксер, 665 минг 280 та комплект диализатор ва унга мос равишда бошқа сарфлов воситалари харид қилиш назарда тутилган вазифа бугунги кунда ҳали якунига етмагани танқидга сабаб бўлди. Мазкур масала долзарбдиганидан келиб чиқиб, вазифанинг ижросини тезлаштириш тақлифи илгари сурилди.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш лозимлиги айтиб ўтилди. Бунда масъул идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ушбу дастур, аввало, фуқароларни рози қилиш ва мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги нуктаи назардан ёндашиши зарурлиги таъкидланди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи фракция аъзолари томонидан маъқуланди.

Депутатлар
мунозараси:
нима тақлиф этилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам Давлат дастурининг 2021 йил III чорадаги бажарилиши лозим вазифалар ижроси қўриб чиқилди.

2021 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,9 фоизни ташкил этди. Қўрилган чоралар натижасида ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 116,1 триллион сўм бўлиб, белгиланган прогноз 108,8 фоиз ёки 9 триллион сўм ошириб бажарилди. Давлат бюджетининг харажатлари 130,3 триллион сўм, шундан ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар 64 триллион сўмдан иборат бўлиб, бу борада амалга оширилган харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 27,5 фоиз ошган.

Ҳисоботда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини маъмуний ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ишлар бораида батафсил ахборот берилди. Келтирилган рақамлар ва вазифалар ижроси депутатлар томонидан атирофича муҳокама қилинди.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ба-

жарилган ишларни эътироф этиб, муддати узайтирилган бандларни ўз вақтида самарали урдалаш бораида тақлифлар берди.

Қизғин муҳокамадан сўнг депутатлар Давлат дастурининг III чорадаги ижроси хусусидаги Ҳукумат ҳисоботини маъқуллади.

Ижтимоий-иқтисодий
тараққиёт бугунги
ҳаракатларга боғлиқ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида жорий йил 1 октябр ҳолатига кўра, дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджетидан 9,8 триллион сўм ҳамда 301 миллиард сўм маҳаллий бюджетларга мақсадли бюджет соуда маблағлари сифатида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” ҳудудий жамғармаларига ажратиб берилгани айтиб ўтилди.

Мазкур маблағлар ҳисобига 10 минг 114 км. ички йўллар ўрнига, амалда 16 минг 355 км. ички йўллар таъмирланган. 4 минг 711 км. ичимлик суви ва 205 км. оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинган.

Ҳисобот даврида, шунингдек, Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган экологик вазиятнинг таъсирини юмшатиш мақсадида денгизнинг қуриган тубида бугунги кунга келиб (2018 — 2021 йилларда) 2 миллион гектар майдонда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонлари яратиш барпо этилган.

Тахтакўпир турманининг бешта маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 3,5 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйлиб, 6 та тадбиркорлик субъектига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўмқлаштирилган ҳолда, ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси тизимидagi ҳўжалиқлар 17 турдаги замонавий махсус техника билан таъминланган.

Шунинг баробарида, Ўзбекистонда яшил ўсиш таъмоилиларини шакллантириш, “яшил иқтисодиёт”ни соҳаларга кенг тартиб этиш мақсадида “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” глобал ташаббусига Ўзбекистон Республикаси қўшилиши муносабати билан Ўзбекистонда Глобал яшил ўсиш институтининг ваколатхонаси очилди.

Йиғилишда депутатларнинг савол ва тақлифлари бўйича Ҳукумат ва идоралар мутасаддиларининг жавоб ҳамда мулоҳазалари эшитилди. Шу асосда Ўзбекистон Экологик партияси фракциясини Давлат дастурининг 9 ойлик ижроси ҳақидаги Ҳукумат ҳисоботини қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

